


Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳунинг ҳаёт йўллари



09:00 / 10.06.2023 2462

(иккинчи мақола)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мак–кадан Мадинага қилган машаққатли ҳижратларида ҳам Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳунинг зикрлари бор.

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи ўзларининг «Саҳиҳ»ларида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратлари ҳақида келтирган узун ҳадисда, жумладан, қуйидагиларни ҳам келтирганлар:

«Ибн Шихоб айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир гуруҳ мусулмон отлиқлар билан келаётган Зубайр–га йўлиқдилар. Улар Шомдан келаётган тожирлар эдилар. Бас, Зубайр Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ва Абу Бакрга оқ кийим кийдирди».

Бу ҳам Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу учун катта бахт эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳамсафарлари Абу Бакр Сиддиқ билан мушрикларнинг таъқибидан қочиб, йўлнинг оғир машаққатларидан чарчаб–ҳориб, бировлардан изн сўраб, қўйларини соғиб ичиб келаётган бир

пайтда икковларига оқ кийим кийдириб, хурсанд қилиш бахт эмасми?! Бир оздан сўнг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу худди шу Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу кийдирган оқ кийимларида дорул-ҳижра – Мадинаи Мунавварага кириб бордилар.

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳунинг ўзлари ҳам ҳижрат қилиб, Мадинаи Мунавварага келдилар. У киши дастлаб Мунзир ибн Муҳаммад ибн Уқбаникига тушдилар. Кейинчалик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини Салама ибн Салома ибн Вақш ал-Авсий билан биродар қилдилар.

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу Абу Бакр Сиддиққа куёв эдилар. Яъни у киши Абу Бакр Сиддиқнинг катта қизлари Асмо бинти Абу Бакр-га уйланиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга божа бўлдилар.

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу ўз аҳллари билан ҳижрат қилиб келганларида Асмо бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳо тўнғич фарзандларига ҳомиладор эдилар. Кейин нима бўлганини қуйидаги ривоятдан ўрганамиз.

تَبَّ يَفِيَّ أَرْمَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلِ صَبَّيَّ بِنَّ لَنَا أَوْ نَعْلَلِ لِي ضَرَّةَ شَيْءٍ أَعْنَعُ
يَتَّحُوهُ وَمَسَّتْ أَلْفٌ تَسْفُنْ دَقَّ أَلْإِمَامَسَا أَيْرَأْمُ شَيْءٍ أَعْيَ لَأَقْفَ أَحْبْصَمْرِيَّ بَزَلِ
دَنْسَبُ يَذْمُرْتَلْ أَوْرِيَّ وَدَيْبِ رَمْتَبُ الْكَنْحِ وَهَلْ لِدَبْعِ بِيَّ بِنَّ لَنَا هَامَسَفُ هَيْمَسَا
نَسَحَ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Зубайрнинг уйида чироқ кўрдилар ва: «Эй Оиша! Асмо нифос кўрганга ўхшайди. Унга исм қўймай турунглар. Мен ўзим исм қўяман», дедилар.

Бас, у зот унга Абдуллоҳ деб исм қўйдилар ва қўллари билан хурмода танглайини кўтардилар».

Термизий ҳасан санад ила ривоят қилган.

Афтидан Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу ва Асмо бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳолар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳужраи саодатларидан чироғи кўринадиган жойда яшаганга ўхшайдилар. У зот ўз қайинсингиллари Асмо розияллоҳу анҳонинг ҳомиладор эканликларидан

хабардор бўлганлар. Унинг кўзи ёришини орзиқиб кутганлар. Чунки ҳижратдан кейин маълум муддатгача муҳожирлар оиласида фарзанд туғилмаган, яҳудийлар «Биз уларни сеҳрлаб қўйдик, улар энди фарзанд кўрмайдилар», деган гап тарқатишган эди.

Шунинг учун ҳам Зубайр ибн Аввом розияллоху анҳунинг оиласида фарзанд туғилганининг хабари тарқалганда мусулмонлар Мадинаи Мунаввара осмонини «Аллоху Акбар!» деб такбирга тўлдирганлар.

Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам бўлсалар, ушбу ривоятда келганидек, янги туғилган гўдакка ўзлари исм қўйиб, муборак туфуклари ила ҳўлланган хурмо билан гўдакнинг танглайини кўтарганлар.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам Мадинага ҳижрат қилиб келганларидан кейин бўлиб ўтган барча ишларда Зубайр ибн Аввом розияллоху анху фаол қатнашдилар.

Зубайр ибн Аввом розияллоху анху Толҳа ибн Убайдуллох розияллоху анху билан биродар эдилар. Бу икки улкан саҳобийнинг исломий ака-укаликлари жуда ҳам олий нуқтадаги биродарлашиш бўлди. Икковлари худди эгиз фарзандлардек бўлиб юрдилар. Уларнинг бу ҳолатлари то умрларининг охиригача давом этди.

(Давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.